



Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

6  
(751)-son


9-fevral

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Почтада электрон пул ўтказмалари

Алоқа соҳасида хизмат кўрсатишнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимида ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг буйруғи асосида 2005 йилнинг декабр ойидан бошлаб "Электрон пул ўтказмалари" тизими ишга туширилди. Ушбу тизим дастлаб Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ўртасида йўлга қўйилди.

2-БЕТ →

Ушбу сонда:

СИФАТ КЎРСАТ-  
КИЧЛАРИНИНГ  
ҲОЛАТИ

2-БЕТ →

СОҲАДА  
ЯНА БИР  
ЯНГИ НАШР

3-БЕТ →

ЦЕНТР КОМПЕ-  
ТЕНЦИИ ПО  
ЭЛЕКТРОННОМУ  
УПРАВЛЕНИЮ

6-БЕТ →

НОКИА —  
ҚОҒОЗДАН  
ТЕЛЕФОНГАЧА

11-БЕТ →

ХИЗМАТИНГИЗ-  
ГА ТАЙЁРМИЗ

ДЕЙИШМОҚДА  
«АЛОҚА ПРИНТ» МЧЖ  
МУТАХАССИСЛАРИ

13-БЕТ →

ИККИ СИЙМО —  
БУЮК  
МУҲАББАТ

16-БЕТ →



Интернет  
ҳамкорларимиз

UzNet  
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Sarkor Telecom  
Internet Service Provider

— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилати (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри



Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан бир қатор мамлакатларнинг жамоат арбоблари Юртбошимизга табрик хатлари йўллашмоқда. Жумладан, Покистон Ислом Республикаси Сенатининг Халқаро алоқалар қўмитаси раиси Мушохид Ҳусайн Саид, Покистон-Ўзбекистон маданияти жамяти президенти Акбар Аҳмад Ўзгенлардан табрик хатлари келди.

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2006 йилги фаолияти якуналари ҳамда 2007 йилдаги режаларига бағишланган медиа-форум бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

✓ Ўзбекистон тарихи давлат музейида Алишер Навоийнинг маънавий меросига бағишланган кеча бўлиб ўтди.



У Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг натижаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда тадбиркорликка оид қонунчилик базасини тадқиқ этиш, тегишли статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш, тадбиркорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров, шунингдек, мазкур органлар фаолиятини ўрганиш орқали олиб бориладиган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

## ● SELEKTOR YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Телекоммуникация тармоғи иш сифатининг 2006 йил якуналари» бўйича селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.

## Сифат кўрсаткичларининг ҳолати



Кун тартибидagi масалалар юзасидан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика марказининг директори Х.Холмухамедов, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, Радиоалоқа, радиозащиттириш ва телевидение маркази техник директори Б.Абидов, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов ва Давлат алоқа инспекциясининг телекоммуникация бўлими бошлиғи М.Холжўяевлар маъруза қилишди.

Маърузаларда бирламчи ва иккитламчи телекоммуникация, телевидение ва радиозащиттириш дастурларини тарқатиш тармоқларида 2006 йилда сифат кўрсаткичларининг бажарилишига алоҳида тўхталиб ўтилди ва жойларда мутасадди ходимлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига етарли даражада эътибор

қаратилмаётганлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент Телеком», «Самарқанд Телеком», «Навоий Телеком», «Бухоро Телеком», «ШАК» ва «ЎЗТ-Термиз» филиаллари томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этишда камчиликка йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров алоқа тармоқларидаги хавфли кесилмаларни бартараф этиш, фойдаланилаётган дизел генераторлар ва аккумулятор батареяларининг ҳолатини ўрганиш, кабел иншоотларини ҳаво босими остида сақлашни таъминлашга асосий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, «ЎЗТ-Термиз» шўба корхонаси директори Худоберова, Паркент телекоммуникациялар боғламаси (ТБ) бошлиғи Назаров-

га, Қибрай ТБ бошлиғи Исмоилова, Эшонгузар ТБ бошлиғи Ҳасимовга, Тойлоқ ТБ бошлиғи Муратовга, Гулобод ТБ бошлиғи Шарофга, Гурлан ТБ бошлиғи Оллоназаровга, Қўшқўпир ТБ бошлиғи Полвноновга, Жондор ТБ бошлиғи Расуловага, Қизилтепа ТБ бошлиғи Ибодовга, Бешработ ТБ бошлиғи Қосимовга, 4-ШМАТБ бошлиғи Кўчқоровга ва Сурхондарё РТУМ директори Лолаоновга сифат кўрсаткичлари пасайишига йўл қўйганлиги учун, шунингдек, телеграф алоқасини



ташқил этишда камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбар ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўриштириш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда «Ўзбектелеком» АК томонидан «Ўзбектелеком Интернет» ҚҚ филиаллари билан биргаликда телеграф хизматини такомиллаштириш бўйича тақлиф киритиш, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази билан ҳамкорликда республика бирламчи узатиш тизимларида бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда радиотелевидение станцияларини қўшимча дизел генераторлар билан таъминлаш, ўрта тўлқинда ишловчи радиозащиттириш узаткичларини эксплуатация қилиш юзасидан аниқ тақлифлар берилиб, ижросини доимий назоратта олиш белгиланди.

Ўз мухбиримиз

## Почтада электрон пул ўтказмалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

«Электрон пул ўтказмалари» тизимининг ишга туширилиши билан почта пул ўтказмалари технологик жараёни тўлиқ автоматлаштирилди. Бунда мижоздан пул ўтказмаси қабул қилинган вақтдан то тўлов берилгунга қадар бўлган жараён автоматлаштирилган.

— Почта хизмати бозорида рақобатбардошликни ошириш мақсадида электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизимини амалда жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Электрон пул жўнатмаларини назорат қилиш маркази»нинг бўлим бошлиғи Жавдат Аъзамжўяев. — Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланмоқда. Компютер технологиялари халқ ҳўжалигининг турли йўналишларида ҳам кенг қўлланиб келинмоқда. Шу билан бирга, йирик халқаро «Western Union», «Ikobo», «Money Gram», «Анелик» каби пул ўтказмалари тизимлари ахборот-коммуникация технологияларининг охириги ютуқлари негизда ташқил топган бўлиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳам, ўз ўрнида, компютер технологиялари ривожланишининг охириги ютуқларига таянган ҳолда республикада биринчи бўлиб мижозларга хизмат кўрсатиш тизимларини яратиш ва ишга тушириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тизимининг ишга туширилиши пул ўтказмаларини ми-

жозга етказиб бериш вақтини қисқартирди ва харажатларни камайтирди. Белгиланган хизмат кўрсатувчи алоқа тармоғига пул ўтказмаси ҳақидаги маълумот санокли дақиқаларда етиб боради. Ҳозирги кунда «Электрон пул ўтказмалари» тизими орқали ўтказмаларнинг энг юқори тарифи 5 фоиз қилиб белгиланган. Хизмат ҳақи тарифи ўтказилаётган пул миқдорига қараб камайиб боради.

Республика бўйича ягона қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларининг маълумотлар базаси яратилган. Ушбу маълумотлар базаси қабул қилинган пул ўтказмаларини ўз вақтида мижозларга етказилиб берилишини назорат қилади. Шу билан бирга, келажақда халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан ахборот алмашишни имкониятини беради.

Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида 2006 йилнинг октябр ойдан бошлаб яна биттадан — Тахиятош (Қорақалпоғистон), Марҳамат (Андижон), Фижудов (Бухоро), Фаллаорол (Жиззах), Шаҳрисабз (Қашқадарё), Зарафшон (Навоий), Чортоқ (Наманган), Жума (Самарқанд), Денов (Сурхондарё), Сирдарё (Сирдарё), Янгийўл (Тошкент вилояти), Хива (Хоразм) почта алоқаси тармоқларида ҳамда Чилонзор ва Шайхонтоҳур (Тошкент шаҳри) туман почта алоқаси тармоқларида «Электрон пул ўтказмалари» тизими орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Келгусида ушбу тизим қамровини босқичма-босқич кенгайтириб бориш кўзда тутилган.

Иззат АҲМЕДОВ

## Компютер саводхонлиги

Республикамизда мактаб таълимиди ривож лантириш Давлат умумийлиги дастурига кўра, 2009 йилга қадар барча мактаблар компютер техникаси билан таъминланиши кўзда тутилган.

Шунинг учун ҳам, таълим жараёнида замонавий техникдан фойдаланишни йўлга қўйиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик томонидан «2006-2007 ўқув йили — Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинган. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси К.Убайдуллаев номидаги Республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 47 нафар профессор-ўқитувчилари компютер саводхонлиги бўйича ўқув курсларида қатнашиб, ўз билимларини янада бойитдилар.

Компютер саводхонлиги дарсларини институтизмнинг «Масофадан ўқитиш тизимини мувофиқлаштириш маркази» бўлими ҳамда «Ахборот ва наشريёт» бўлими ўқитувчилари — М.Даулбоев, Б.Утемураев, Н.Ҳакимов ва А.Ибрагимовлар олиб боришди.

Эндиликда институт профессор-ўқитувчилари компютердан эркин фойдаланиб, дарсларни улар ёрдамида янада қизиқарли ўтилишига эришмоқдалар.

Келгусида институтизм профессор-ўқитувчилари барча дарсларини ахборот технологиялари асосида ташкил этишни мақсад қилишган. Шунингдек, малака ошириш курси тингловчилари учун масофадан ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда.

**Икромбек ХОЛМУРОДОВ,**  
К.Убайдуллаев номидаги  
РПКҚТ ва МОИ «Тил ва адабиёт»  
кафедраси катта ўқитувчиси

## ● NAVOIYXONLIK

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейда газал мулкининг султони, Ҳазрат Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди.



## Баҳру байт кечаси

Кечада шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилди, туюқ ва рубоийлар ўқилди, турли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, лицей ўқувчилари — С.Жуманазарова, Ҳ.Абдураимов ижросидаги Гули ва Навоий образлари барчада яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, русийзабон ўқувчилар томонидан ўқилган шеърлар, ўқувчи ўғил ва қизлар ўртасидаги баҳру байт, куй ва қўшиқлар ҳам кечани ўзгача кайфият бағишлади.

Тадбирда ёшлар аллома ижоди билан яқиндан танишиш қаторида буюк шоир даҳосини яна бир бор кашф этдилар.

Ўз мухбиримиз

## УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

*Кимки бу давронда қилур ростлик,  
Йўқтур иши гайри каму костлик.*

Алишер НАВОЙЙ

*Бори элга яхшилиг қилғилки, мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро: "Қолди фалондин яхшилиг!"*

БОБУР

## ● TATU FILIALLARIDA

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг ҳам муносиб ўрни бор.

## Янги аср мутахассиси

Ушбу илм масканида замонавий фан сирларини ўрганаётган талабалар орасида интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг кўпчилиги қувонарлидир. 4-босқич талабаси Равшан Рўзибоев шулардан биридир.

— 2006 йил ҳаётимда унутилмас йил бўлиб қолди, — дейди Равшан. — Республика миқёсидаги кўрик-танловларда иштирок этдим. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ томонидан ўтказилиб келинаётган «Келажак овози» танловининг вилоят босқичида «Ахборот-коммуникация технологиялари» йўналиши бўйича қатнашиб, голиб бўлдим.

Равшан 2005 йилда ҳам танловда иштирок этган эди. Мазкур танловда голиб бўлмасида, дўстлар орттирди. Камчиликларини тўғри англаган ҳолда 2006 йилдаги танловга жид-

дий тайёргарлик қўрди. Азим ва навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган сайт яратди. Лойиҳаси танловнинг республика босқичига тақдим этилди ва у «Энг яхши веб-дизайнер» деб эътироф этилди. Ушбу сайт <http://www.garhi2700.kamolot.org> манзилида жойлаштирилган.

Равшан Рўзибоев эндигина 21 ёшга тўлди. Урта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ компютерни ўрганишга жиддий киришди. Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қошидаги лицей-интернат мактабидан унга Арслон Холмуродов, Хусан Шабуровлар компютер сирларини чуқур ўргатишди. 2003 йили мазкур институтининг касбий таълим факултетига ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўқишга кирди. ТАТУнинг вилоятларда ҳам филиаллари очилгач, Қарши муҳандислик-иқтисо-



Суратда Равшан РЎЗИБЎЕВ (Ўнгда) «Энг яхши веб-дизайнер» деб топилди.

дий институти ҳамда Қарши давлат педагогика университетидаги шу йўналишда таълим олаётган талабалар филиалга ўтказилиб, бирлаштирилди. Улар орасида Равшан Рўзибоев ҳам бор эди.

— Мен бўш вақтимни асосан Интернет тармоғида ўтказаман, — дейди Равшан. — Қарши шаҳри тарихи ҳақида Интернет тармоғида маълумотлар жуда камлиги сабабли шу сайтни яратишга қўл урдим. Ҳозирда «Қашқадарё вилоятида мавжуд зиёратгоҳларнинг портали»ни яратиш мавзуси устида диплом ишини олиб боряпман. Келажакда ўқишни магистратурада давом эттириш, компютер соҳасидаги билимларимни янада мустаҳкамламоқчиман.

Афтондил ИСМОИЛОВ  
Қашқадарё вилояти

## Талабалар боғи

Республикамиз Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорига асосан, Самарқанд шаҳрида кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари олиб борилмақда.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабалари шахримизнинг нуфузига-нуфуз, чиройига-чирой бағишлаш мақсадида ободончилик ишларига ўзларининг ҳиссаларини қўйиш ташаббуси билан чиқишгани ҳам айни мундза бўлди. Шаҳарнинг Қозизода Рўмий кўчасида филиал талабаларининг истиқомат қилишлари учун «Талабалар турар жойи» биноси ажратилган. Айни кунларда бу ерда капитал-таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Мазкур бино ҳудудига филиал «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиларининг сай-ҳаракатлари билан 200дан зиёд турли хилдаги игна баргли дарахт қўчатлари ўтказилди ва барпо этилган боғга «Самарқандга 2750 йил» деб ном берилди.

Абдугофур ХОТАМОВ  
Самарқанд вилояти

## Маънавият шанбалиги

Фаргона вилояти шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида «Маънавият шанбалиги» уюшқоқлик билан ўтказилди. Тозалаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалида шанбалик муносабати билан катта сафарбарлик эълон қилинди. Ўқув биноси ичидаги хоналар, шунингдек, ҳовли ҳудуди тозаланди. Бино атрофида 20 тул хурмо, 80 тул манзарали дарахт ниҳоллари экилди.

Ҳафиза САЛҲҲОВА  
Фаргона вилояти

## Соҳада яна бир янги нашр:

«Ахборот-коммуникация: Тармоқлар, Технологиялар, Ечимлар»

Яқин кунларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги яна бир нашрнинг чоп этилиши кутилмоқда. Журнал, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади.

Ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқаси ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари янги турларининг назарияси ва илмий-техник ривожланиши йўналишларини янада кенгрок ёритиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари материаллари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси аспирантлари, изланувчилари ва илмий ходимларининг илмий мақолаларини чоп этиб бориш мақсадида «Ахборот-коммуникация: Тармоқлар, Технологиялар, Ечимлар» илмий-техника журнаliga асос солинди. Ушбу журнал муассислари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бўлиб, у Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Журнал ўз саҳифаларида қуйидаги соҳаларда эришилган натижаларни бериб боришни режалаштирган:

- мультисервис тармоқлари, NGN тармоқлари, тармоқ ечимлари, фотон телекоммуникация тармоқлари, локал тармоқлар ва абонент фойдаланиши, атмосфера оптик алоқа линиялари, хизматларнинг янги турларини жорий этиш;
  - рақамли алоқа тармоғини тактикл синхронлаш тизимлари, алоқа тармоғини бошқариш тизимлари, телекоммуникация ресурсларини бошқариш, ахборотни муҳофаза қилиш;
  - қайд қилинган, мобил ва бошқа алоқа турлари объектиларидан техник фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
  - сифат менежменти, маркетинг тадқиқотлари тизимларини жорий қилиш, соҳанинг маркетинг тадқиқотлари;
  - соҳа иқтисодиёти, тармоқлараро уланishi ва трафикни тартибга солиш, илмий асосланган тарифларни ишлаб чиқиш;
  - янги атамалар ва уларнинг таърифларини жорий қилиш;
  - турли воситалар ва тизимлар учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш;
  - ХЭИ, ЕТСI, БПИ ва бошқа халқаро ташкилотлар материалларини ёритиш.
- Нашр салоҳияти ва савиясини ошириш мақсадида МДХ давлатларининг етакчи илмий муассасалари ва тахририятлари билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилмоқда.
- Журнал тахририяти алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси олимлари, мутахассислари, аспирантлар, изланувчиларнинг илмий мақолаларини қутиб қолади.

## XALQARO HAYOT



## ГОРБАЧЁВ БИЛЛ ГЕЙТСГА ХАТ ЙЎЛЛАДИ

Ўтган йили Россиядаги қишлоқ мактабларидан бирининг директори Александр Поносов мактаб компьютерларида Windows амалиётлар тизимининг қароқчилик шакли ишлатилаётганлиқда айбонлиб, ҳибсга олинган эди.

Шу муносабат билан Михаил Горбачёв мактаб директори тақдирига аралашшини сўраб, Microsoft асосчиси Билл Гейтсга мактуб йўллади. Мактубда шундай дейилади:

“Арзиманган моддий рағбат эвазига (унинг оладиган маоши компаниянгизда энг паст маош оладиган ходимникидан ҳам кам) бутун умрини болалар тарбиясига бахшида қилган ўқитувчини Сибир лагерларида қамоқ жазоси кутмоқда. Ўқитувчи компьютерларни олдиндан ўрнатилган дастурий таъминот билан бирга сотиб олган. Ушбу компьютерларни сотганлар эса қонунни ҳимоя қилиш органлари назаридан четда қолмоқда. Шу муносабат билан Александр Поносовга қўйилган даъвони қайтариб олишга ёрдам беришингизни сўрайман...”

Прокуратура мактаб компьютерларида Windows амалиётлар тизимининг қароқчилик шакли ишлатилишидан Microsoft компанияси 10 минг АҚШ доллари миқдорига зарар кўрган, деб топган.

## ЯДРО ЗАВОДИГА ҲУЖУМ

Туркиянинг бир неча шаҳарларида “Ал-қоид” террорчилик ташкилотига алоқадор бўлган 36 нафар шахс қўлга олинди.

Ҳибсга олиш жараёнида улардан Истамбул шаҳри остонасида жойлашган ядро изотоплари ишлаб чиқарувчи завод биносининг харитаси ва фотосуратлари топилган.

Сўровларда террорчи гуруҳ аъзолари заводни портлатишни режалаштириганини айтишган. Истамбул хавфсизлик хизмати вакили террорчиларнинг мудҳиш нияти амалга ошганида катта ҳудудга радиация тарқашади ва аҳолининг оммавий қирғинига сабаб бўлиши мумкинлигини маълум қилган.

## БУЮК БРИТАНИЯДА “ПАРРАНДА ГРИППИ”

Англиянинг Суффолк графлигидаги “Бернард Мэтью” товуқ фермасидаги паррандалар оммавий равишда йўқ қилинмоқда.

Бунга ушбу фермадаги битта товуқ ва кўркакда одам учун хавфли бўлган H5N1 вирусининг аниқлангани сабаб бўлди. Шу вақтгача 200 мингдан ортиқ парранда сўйилган. Буюк Британия атроф-муҳити ҳимоя қилиш вазири Бен Брэдшоунинг айтишича, вируснинг тарқалишига йўл қўймаслик ва унинг ўчоғини батамом йўқ қилиш мақсадида шундай йўл тўтилмоқда.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ПОРТЛОВЧИ МАКТУБЛАР

Англияда сўнгги етти кун ичида етти маротаба портловчи мактублар ҳаракатга келган.



Бундай мактубнинг биринчиси Фолкстоун шаҳрининг 53 ёшли фуқароси уйига келган. Бомба портлаши оқибатида у жиддий жароҳатланган. Шундан сўнг почта орқали жўнатилган бомбалар Суонси, Уокингем, Лондон шаҳарларида портлаган.

Британия полицияси аҳолини уйларига келаётган хатлардан эҳтиёткор бўлишга чақирган. Ҳозирда жиноятчиларни қидириш ишлари давом этмоқда.

## ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги Низомнинг 45-бандига асосан «КОСКОМ» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг GSM 900/1800 стандартидаги кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган РТ серияли 0000147 рақамли лицензиясининг амал қилиши йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш мақсадида 2007 йил 5 феврал, соат 12.00 дан 10 кун муддатга тўхтатиб турилади.

**“Ўзбектелеком” АҚ “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиалининг 8-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси (Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида жойлашган)га беш муҳандис лавозимига мутахассислар ишга таклиф қилинади.**

**Ушбу лавозимга магистрал алоқа линиялари мутахассислиги бўйича камида 5 йил ишлаган, олий маълумотли муҳандислар танлов асосида қабул қилинади.**

**Кўшимча маълумот  
олиш учун телефонлар:  
136-12-18, 133-73-50.**

## ЕНМ ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ: КЕСНА, BUGUN, ERTAGA



(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

ЭҲМларнинг янада мураккаб масалаларга, яъни берилган деталга оптимал технологик жараёни ишлаб чиқишга ҳам қурби етади. ЭҲМларни бу мақсадда қўллаш технологик лойиҳаларга алгоритмлар ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асосланган технологик лойиҳалаш методикасини вужудга келтириш билан узвий боғлиқ. Ҳар қандай бошқаришнинг бошланғич тамойили, кўринишдан, бошқариш, ахборот ва тескари алоқанинг органик бирлигидир. Актив назорат, тескари алоқадан роллаш ва бошқаришдан фойдаланиш табиий кибернетик тизимнинг ҳамма элементлари структура ва функциясининг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқади. Бошқариш тизими мураккаблиги сабабли ички ва ташқи бошқариш кўринишларига бўлинади. Бошқаришнинг ушбу кўринишлари орасидаги фарқ нисбий, албатта. Бундан ташқари, функционал тизимнинг жамият, жонли табиат ва техникадаги хусусиятларига қараб, бошқаришнинг бир неча кўринишлари фарқланади. Бошқаришнинг ҳар бир кўриниши табиий тарзда ўз хосса-ларига эга бўлади.

Модда алмашинувиининг уч томони бор: моддий, энергетик ва инфорацион-регулятив. Модда алмашинувининг айрим бўғинлари тамойил нуқтаи назаридан олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Жонли табиат хусусиятларини моддалар ўзаро борлигининг молекуляр (атомли) ва субатомли даражаси характерли аниқлайди.

Шунинг учун бўлса керакки, кибернетиканинг роллаш, бошқариш тушунчалари ўз вақтида ҳаётнинг мавжудлик муаммоси билан чамбарчас боғлангандир. Жонли табиатдаги ўз-ўзини роллаш техникадаги бошқариш ва роллашдан сифат бўйича фарқланади. Бу ерда муҳими шундан иборатки, ҳужайралардаги инфорацион-регулятив жараёнлар моддалар алмашинуви ҳолати ҳисобланиб, ички тескари алоқалар мавжудлигида содир бўлади. Ҳужайра ичида сурилувчи моддалар ҳамма томонлама мувофиқлашганлиги сабабли реакция ишга таъсир қилмай қолмайди. Техник қурилмаларда эса ички қайта алоқа-

лар инсон томонидан фақат бир ёки бир неча нисбатлардагина (масалан, тезлик, ҳаракат, эластик силжишлар бўйича бошқариш ва шу каби) назарда тутилади.

Ҳужайралардаги ўз-ўзини роллаш тўлиқ роллаш, техникадаги ўз-ўзини роллаш нотўлиқ роллаш деб аталади. Тўлиқ роллаш организмнинг ташқи муҳит билан бўлган алоқасининг мувозанати учун қурашгани тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, тўлиқ роллаш ташқаридан энергия олишнинг ягона усули ҳисобланган биологик модда алмашинувини талаб этади.

Сунъий табиатдаги тизимнинг роллашнинг имконияти у ёки бу тарзда инсоният фаолияти билан боғлиқдир.

Биороллашнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, организмдаги модда, энергетик ва инфорацион-регулятив ҳодисалар модда алмашинувининг бир бутун жараёни бўлиб ҳисобланади. Машиналарда эса ушбу жараёнлар бўлиниб-бўлиниб содир бўлади.

Ҳаётнинг биологик жараёнлари мазмунини чуқур тушуниш ва тахлил этишда кибернетик усуллари қўллаш ушбу ҳодисани янада чуқурроқ билиш имконини беради.

Тирик организмларнинг бошқарув тизимлари машина механизмларига қараганда минг марта ихчамдир. Инсоннинг бош миёси 10-15 млрд. нейронга эга бўлиб, ўртача оғирлиги 1,2 кг, ҳажми 1,5 дм<sup>3</sup>, сарфловчи қуввати эса 2,5 Вт га яқин. Инсон бош миёсининг нейронлар сонини ҳозирги замон ЭҲМлари логик элементлари умумий сони билан (10 мингга яқин) солиштирсак фарқи миллион мартага тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ЭҲМ элементлари ўлчамини асаб ҳужайралари ўлчамига мосласак, у ҳолда машина «миёси» оғирлиги 1,2 мг га тенг бўлиб қолар эди. Ҳаттоки микроминиатюролаштиришнинг гоаят машқур усуллари билан бўлган қаттиқ схемалар усулини қўллаш ҳам оптимал шароитда 1 см<sup>2</sup>га 10<sup>6</sup> элементни монтаж қилиш зичлигини беради. 1 см<sup>2</sup> миёда эса 10<sup>7</sup> нейронлар жой-

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— **Аудиторлик хизмати ҳақида кўп эшитганман. Яқинда дўстларимдан бири ички аудит хизмати ҳақида гапириб қолди. Илтимос, «Хабар» газетаси орқали мазкур хизмат ҳақида маълумот берсангизлар.**

**Олимжон ОЧИЛОВ**  
Бухоро вилояти, Қорақул тумани

Республикада яратилаётган қўлай иқтисодий муҳит туфайли акциядорлик жамиятлари сони ва активлари борган сари кўпаймоқда ҳамда уларнинг мамлакатимиз ривожланишидаги нуфузи ошмоқда. Акциядорлик жамиятларининг иқтисодий юқалиши қатор омилларга, энг асосийси, жамият ижроия органи томонидан корпоратив бошқарув тамойиллари қай даражада бажарилишига боғлиқдир. Шу ўринда, акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматига эҳтиёж ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Ички аудитнинг асосий афзалликлари унинг очиклиги, ташқи аудитга нисбатан ҳаражатларнинг камлиги (ички аудит хизматлари тахминан 30-50 фоиз арзон) билан бирга, ички аудит хизматларининг исталган пайтда талаб қилиниши, ички аудиторларнинг ташкилотдаги вазият, иш мақоми ва бошқарувини, маданият ва сивасини, ички аудиторлар орқали бўлинмаларнинг юқори малакали мутахассисларини текширувга жалб этиши, қўнчиликка мунтазам риоя қилиш кафолатлари ва иш жараёнига янгиликлар киритишни рағбатлантиришдан иборат.

Албатта, мамлакатимизда ҳам бозор талабини ҳисобга олган ҳолда ички аудит хизматига эътибор кучайиб, унга катта эҳтиёж пайдо бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги 475-сонли қарори билан баланс активлари 1 млрд. сўмдан ортқ бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати жорий этилиши белгилаб берилди (бу тижорат банклари ва бюджет ташкилотларига татбиқ этилмайди). Мақсад акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини таҳлил қилиш, солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғри юритилишини текшириш, корхона мулкдорлари — акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, директорлик кенгаши томонидан уларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар юзга келганда бу ҳақда мулкдорларга ахборот беришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16

# Ички аудит хизмати — самарали тизим



октябрдаги «Корхоналарнинг ички аудит хизмати тўғрисида»ги Қарорига кўра куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ҳар йили корхонанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ текширишлар ўтказиш йули билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якуни бўйича);
- тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қўнчулари ва бошқа қўнун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича тавсияларни тайёрлашда корхонанинг Кузатув кенгашига кўмаклашиш;
- Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;
- ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартароф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни теъорлик билан киритиш, уларнинг бартароф этилишини назорат қилиш.

Мамлакатимизда аудиторлар акциядор-

ларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасида аудиторга жамият низоми билан танишиш, 111-моддасида жамият аудиторини акциядорларнинг умумий ййгилишида тасдиқлаши, аудитор хизматига тўланадиган ҳақ эса жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши қайд этилган. Аудиторнинг бошқарув маъмурияига тобелигини камайитириш мақсадида 2003 йил август ойида

хона бухгалтериясининг тўғри юритилишини текширишганлигини, аммо корхона ижроия органи томонидан акциядорлар манфаатларини риоя қилиниши ҳолатига умуман эътибор беришмаганлигини кўрсатмоқда.

Акциядорлик жамиятининг ички аудит хизмати эса корхона ичида доимий фаолият кўрсатади ва ички аудит хизмати ходимлари корхонанинг штат ҳадвалига киритилиб, жамият Кузатув кенгаши тасдиқлаган смета асосида ойлик маош олади.

Ички аудит хизмати ходимлари куйида-

ги талабларга жавоб бериши керак:

- аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат муассасасида олинган олий маълумотга, охириги ўн йилнинг камидан икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) эга бўлиш.

Мулк эгалари ва ахборотдан фойдаланувчилар аудитордан иқтисодий қарорлар қабул қилишга, бизнес экспертизаси ва турли хил молиявий масалалар бўйича ваколатли маслаҳат олишга интиллашади. Шу сабабли, ички аудит тизимини ривожлантириш ўта самаралидир.

**Бобур ТУРАББАЕВ,**  
«ALSKOM» СК  
менеджер ассистенти

### УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

*Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас, ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Алишер НАВОЙИ

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглумдин ўзга махрами асрор топмадим.*

БОБУР

лашган. Инсон мияси микроминиатюралаштиришнинг энг мукамал усулига мисол бўла олади.

Демак, бир томондан жонли табиатни чуқур таҳлил этиш кибернетика усуллари ривожини ва ЭҲМлар структурасини мукамаллаштириш имконини берса, иккинчи томондан, биологик ҳодисалар мазмунини чуқур ўрганишда кибернетик усуллари қўллаш ушбу ҳодисани янада ёрқинроқ билиш имконини беради.

Техника тараққийоти муҳандислар олдида мураккаб масалаларни қўймоқда. Мана шундай ҳолларда муҳандислар табиат яратган ҳазинага худди илмий-техника кутубхоналари ва архивларига мурожаат этгандек мурожаат этадилар. Бунда муҳандис-техник олимларга техника фани ёрдамга келмоқда.

Бионика — биологик тизимлар ва улар элементларининг тузилиши, фаолияти тамойилларини ўрганиб, олинган билимлар асосида техник машина, асбоб аппаратларни қайта қуриш ёхуд бу билимлар асосида тамойил янгиликларини ихтиро қилиш билан шугулланадиган фандир. Айни вақтда бионика — биология, математика ва техника тармоқларига бўлинади.

Инсоният табиат сир-асрорларининг тўб моҳиятини очиб, аҳойиб мўъжизаларни бионика воситасида яратмоқда.

Бионика биология фани билан техника фани ўртасида кўпирк ролини ўйнайди.

Ҳаёт тирик организмларни шу қадар такомиллаштириб юборганки, ташқи муҳитга мослашишда улар эришган даражага етиш учун ҳали олимларимиз кўп йиллар бош қотиришлари керак. Водород атомининг қанчаллик кичик эканлигини ҳар бир киши яқши биледи. Ана шу водород атомининг ярмига тенг даражада ер қобиғи силжиса ҳам чигиртка буни дарҳол сезади, ҳозирги замон бирор сейсмографи бундай силжишни сезмайди.

Ҳаммага маълумки, антенна сиз радио ва телевизорнинг сифатли ишлаши қўйин. Капалакнинг микроскопда қуринадиган учта асаб толаси кўршалак тарқатадиган ултра-товушни бемалол қабул қилаверади. Техника ана шундай антенна яратишни ҳозирча фақат орзу қилади, ҳолос.

Чилангарлик дастгоҳининг ишлаш тамойили ҳаммага маълум. Дастгоҳ кескичи қотишмадан иборат бўлиб, ўзига хос махсус шаклга эга. Бу шакл сичқон, каламуш сингари кемирувчи ҳайвонларнинг тишига қиёс қилиб ишланган.

Бионик олимлар бугўнгги кунда энг кўп тадқиқотлар қабул қилиш, қайта ишлаш, эслаб қолиш тамойиллари ва ахборотдан фойдаланиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу йўлланманинг назарий асоси кибернетикадир. Бу ерда табиатда вужудга келтирилган айрим элементлар, яъни асаб тўқималари (нейронлар) асаб тизимининг сезгир қисмлари тадқиқ қилинади.

Тадқиқотчилар тирик организмнинг асаб тизимидаги ташқаридан бўладиган таъсирга қараб қандай ўзгаришлар юз бериши, келган ахборотларнинг қайта ишланиш тамойилларини тушунишга уринадилар. Электрон-ҳисоблаш машиналари жуда яқши хотира қурилмаларига эга. Бирок электрон-ҳисоблаш машинасидаги хотира блоклари ҳозирги замон техника ва ҳаёт талабига жавоб беролмай қолаяпти.

Инсон хотираси жуда кўп ахборотни сақлаб қолиш ва керак пайтда бошқа одамага етказиш хусусиятига эга. Бу ерда инсон хотирасининг ҳозиржавобликка тайёрлиги ва ўзига ахборотларнинг ҳажми бионикларни нияятда ҳайратда қолдирмоқда.

Ҳар қандай тирик организм таълим олиш қобилиятига эга. Таълим бериш элементларини техникада қатор ҳолларда учратиш мумкин. Бирок энг юқори даражада таълим олиш ва бериш хусусиятига фақат инсоният ва ҳайвонот дунёсигина эга, ҳолос. Бионикада энг кўп эътибор таълим масаласига қаратилади, чунки бу масалани ҳал этиш техника тизимларининг фойдала қимматини ошириш, кибернетик тизимларни созлаш ва дастурлаштириш жараёнини оддийлаштиради.

ЭҲМнинг яратилиши илгари энг мавҳум (абстракт) фан ҳисобланган математикада ҳам ҳақиқий инқилоб ясади. Бу тадқиқотлар ақлий меҳнат самардорлигини юқори кўтарди. ЭҲМ ва кибернетика соҳасидаги тадқиқотлар халқ ҳўжалигини бошқаришни кескин такомиллаштириш йўлларини очди ва

фанининг турли соҳалари тараққийотини тезлаштиришга имкон берди.

Шундай қилиб, биринчи авлод машиналари муҳандислик ҳисоби технологиясида инқилобий рол ўйнади.

50-йилларда ЭҲМнинг иккинчи авлоди бунёд этила бошлади. Муҳандислик нуқтаи назаридан ушбу машиналардаги янгилик лампали қурилмаларни анча ишончли транзисторлар билан алмаштиришдан иборат. Фойдаланиш нуқтаи назаридан эса машина хотирасининг қучайтирилиши асосий янгилик эди.

Учинчи авлод ЭҲМлари интеграл схемаларга асосланган бўлиб, ҳажми кичкина, тезлиги ва хотираси катта. Улар бир сонияда 10 миллионга яқин амалиётни бажарарди.

Тўртинчи ва бешинчи авлод машиналари миллиардон ошқ арифметик амалиётларни бажариш қобилиятига эгадилар.

Андрей Дмитриевич Сахаров шундай деган эди: «Ҳозир одамлар бошига денгиздек ахборот ёғилиб тушмоқда. Ушбу ахборот ҳам ўтмиш оқибатлари, ҳам ҳозирги замон ташвишларидан ташкил топапти. Бундай ахборотни тўғри ва ўз вақтида қайта ишлаб, қабул этиш, поклянишга, демократик онг пайдо қилишга, ёшларга тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради. Демократик онг эса инсонларга бутунлай бошқа дунёқараш билан боқишга ва фақат дабдабавоз амалларастлар йўл-йўриги билан эмас, балки мустанқ фикр юритиб яшашга шариот тўғдиради».

Ахборот сўзи рус тили учун ҳам, ўзбек тили учун ҳам янги сўз. Кейинги 10-20 йил давомида электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида ҳаётимизга кириб келган «ахборот» атамаси муҳимлиги билан яққол ажралиб турибди. Ахборот атамаси инглиз тилида «компьютерли фан» деб аталади. Бизнинг мамлакатимизда ишлатилиб келинаётган ахборот сўзи тўла маънода француз тилида ишлатилувчи «informatique» сўзига мос тушади.

**Нёзматилла МўМИНОВ,**  
техника фанлари  
доктори, профессор

8 февраля текущего года в Ташкенте состоялась церемония подписания меморандума по организации Центра компетенции по электронному управлению при Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана.

Главной целью создания Центра предлагается определить организацию постоянно действующей демонстрационной площадки новых аппаратных и программных средств в области электронного управления.

В церемонии подписания меморандума принял участие заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации М. Сангилов, который в своем выступлении отметил, что видит в создаваемом Центре перспективный институт маркетинговой, научной и образовательной деятельности по развитию электронного управления в Узбекистане. Он отметил, что рассчитывает на плодотворную работу Центра в области независимой экспертизы важных народнохозяйственных проектов в области информатизации, обсуждения и выработки рекомендаций стандартов по формированию единой информационной системы государственного электронного управления.

Международная практика создания подобных Центров весьма обширна. Так, например, действуют аналогичные центры в Малайзии, России, США, Индии, Эстонии, Корее, Казахстане и др. Основываясь на передовом внутреннем и международном опыте, центры компетенции служат источником знаний в области электронного правительства, а также сопутствующих навыков для повышения уровня знаний среди государственных чиновников, и, как следствие, повышения качества предоставляемых услуг, а также для повышения осведомленности населения и обществу о преимуществе, которые несет электронное управление для развития потенциала в целом. Кроме этого, специалисты, работающие в таких центрах, занимаются выработкой стандартов, рекомендаций и руководств для всех с целью распространения лучшего международного и отечественного опыта.

Предполагается, что создаваемый в рамках ИТ-ассоциации Центр будет на безвозмезд-

## Центр компетенции по электронному управлению

ной основе представлять компаниям-партнерам Центра условия для продвижения предлагаемых ими товаров и услуг в области электронного управления, осуществлять научные исследования, проводить пропагандистскую работу по продвижению идей становления информационного общества.

Основной задачей Центра компетенции по электронному управлению станет разработка методологии интеграции информационных систем и воплощение концепции единой архитектуры «электронного правительства», что предполагает в частности создание объединенных государственных ресурсов, порталов и информационных систем госорганов и обеспечение их взаимодействия. Реализация проекта направлена на оптимизацию деятельности госорганов, облегчение взаимодействия государства с гражданами и бизнесом, а также обеспечение прозрачности, информационной открытости госорганов и эффективного автоматизированного информационного обмена.

Центр предоставит возможность разработчикам решений для электронного управления объединить свои усилия по продвижению собственных разработок. Центр будет позиционироваться как единый маркетинговый, консалтинговый, научный и образовательный центр, который ставит своей целью развитие электронного управления в Узбекистане и использует свои возможности для продвижения решений участников проекта.

В рамках единого Центра предлагается возможность создать цепочку решений для электрон-

но собственному управлению, позволит вывести на рынок системы следующего поколения, объединив опыт ведущих участников рынка. Появится возможность за счет консолидированных усилий и создания взаимосогласованных решений на единой платформе создать новые стандарты бизнес-приложений.

Появляется возможность интеграции решений разных независимых разработчиков решений, создания и использования интерфейсов в решения друг друга, что является дополнительным конкурентным преимуществом при продвижении реше-

тронного управления, позволит вывести на рынок системы следующего поколения, объединив опыт ведущих участников рынка. Появится возможность за счет консолидированных усилий и создания взаимосогласованных решений на единой платформе создать новые стандарты бизнес-приложений.

В качестве официальных партнеров Центра на сегодняшний день о себе заявили 10 ведущих компаний ИТ-рынка республики: APC (Казахстан); BAIK TECHNOLOGIES; EAST TELECOM; MICROS; MICROSOFT (Казахстан); NURON SAVDO; ORACLE (Казахстан); SHARIFA-T; UNITECH.

Подписываемым меморандумом о взаимопонимании вышеперечисленные компании руководствуясь идеями партнерства и стремлением развития новых информационных технологий в Республике Узбекистан подтверждают факт:

- желания организации Центра компетенции по электронному управлению при Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана;
- принятия Положения о Центре компетенции по электронному управлению;
- получения официального статуса «Партнера Центра» представляемой организации и признания получения данного статуса остальными участниками меморандума;
- исполнение обязательств вытекающих из условий партнерства в Центре.

При этом, согласно принимаемому Положению о деятельности Центра, участие в его работе открыто для всех заинтересованных физических и юридических лиц.

Дарҳақиқат, марказга алоҳида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, аҳолининг барча соҳалардаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш, кутубхона фонддини шакллантириш, йўғма электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш, жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифалари топширилган.

Вазифа аниқ бўлгач, амалга ошириш лажак ишлар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши табиий. Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказида ҳам дастлаб 30 миллион 68 минг 807 сўмлик 156428 дона китоб фонди эксперт комиссиялари томонидан экспертизадан ўтказилди. Шундан 54 мингта китоб архивга олинди, 99008 дона адабиёт фондида қолдирилди. 3420та китоб рўйхатдан чиқарилиди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ажратилган компютерлар янги ўқув залига жойлаштирилди, марказ ходимлари томонидан китоб фонди рўйхати киритилди. Айни пайтда марказда мавжуд адабиётлардан фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Марказ ходимларининг компютер саводхонлигини ошириш мақсадига қисқа муддатли ўқув курси ташкил этилиб, ҳудудий бошқарма мутахассислари томонидан ўқитилди. Ҳоразмда ўтказилган халқроқ конференцияда иштирок этган ходимлар фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни сирларидан бохабар бўлдилар.

Хуллас, бир-биридан долзарб, бири-бирдан муҳим талаблар асосидаги барча тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Энди ҳамма гап бу тизимнинг самарали натижаларида. Бу ўзгаришларни, янгиликларни ёшлар, китобхонлар бирдек қабул қилиши, англошар, ундан фойдаланишни билишлари ҳам муҳим масала. Уларни бу янги аср олами — ахборотлаштириш оламига бошлашдан олдин, ана шу оламнинг тилсимларини кенгроқ тушунириш зарур. Шу боисдан ҳам жойларда семинар ва ўқув машғулоти кўпроқ ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маруса ҲОСИЛОВА,  
«Хабар»нинг Навоий  
вилоятидаги мухбири

## ТО'УХАТ

Баланд бўйли, қадди қомати келишган, кумушдек товланиб турган майин сочларини ҳафсала билан тараган, суҳбатдошига мулойимгина гапириб турган очиқ чеҳрали бу камтарин инсонни Фарғона вилоятидаги эмас, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши билади. У — таниқли маънавиятчи олим Нейматжон Усмонов бўлади.

# Маънавият гулшанининг боғбони

**Н**еймат ака босиб ўтган катта ҳаёт йўли, серкирра фаолияти ҳақида ҳикоя қилишдан олдин Марғилон шаҳридан унча олис бўлмаган Қоражиди қишлоғи ҳақида бироз маълумот берсак. Негаки, Неймат ака шу қишлоқда 1947 йил 15 февралда таваллуд топган.

Бир замонлар Хўқанди латифни кўхна Марғилон билан боғловчи асосий йўл Қоражиди қишлоғи орқали ўтган бўлиб, бу ўз-ўзидан қишлоқ ҳаётининг маданийлашувига катта таъсир кўрсатган. Қоражиди — Неймат ака сулоласи умргузаронлик қилган маскан. У ота-боболари, бобокалонлари, уларнинг қандай зотлар бўлишига ҳақида ҳикоя қилишни яхши кўради. Айниқса, бобоси Ҳамролининг отаси (яъни Неймат аканинг бобокалони) бўлмиш Мирзали ҳофиз тарихини мароқ билан сўзлайди. Бу ҳикояларга кўра, Мирзали ҳофиз замонасининг зиёли инсонларидан бири бўлган. Машхур тасаввуфчи шоир Ҳазиний тўра билан дўст тутинган, ҳаммаслақ яшаган, оилавий бордикелди қилган, ижодий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган.

Мирзали ҳофизнинг отаси Иямин ҳожи ҳақида ҳам бир талай қизиқ хотиралар мавжуд. Алқисса, бу қишлоқда азалдан хат-саводли, ўқимишли кишилар кўп бўлгани, Муқимий, Ҳазиний, Рожий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари машхур шоирлар тез-тез улар даврасига ташриф буюриб, санъат, адабиёт ҳақида ширин суҳбатлар қиришгани ҳақида маълумотлар бор.

Неймат ака қишлоқ марказидаги мактабда ўрта маълумот олгач, 1963-1968 йиллар мобайнида Фарғона педагогика институти (ҳозирги ФарДУ)нинг рус филологияси факултетига тахсил олди. Уни муваффақиятли тугатиб, 1970 йилдан Фарғона политехника институтининг "Фалсафа" кафедрасига ишга қабул қилинди. Оддий ассистент сифатида иш бошлаган ёш мутахассис институтининг илмий, ижтимоий-маънавий ҳаётига тез кўникиди, ўзбек ва русийзабон гуруҳларда "Фалсафа", "Политология" фанларидан маърузалар ўқиди. Айниқса, профессор Т.Шарипов, С.Валиев, К.Тўйчиев, Г.Ҳамидова каби файласуф олимлар билан ёнма-ён ишлаш унинг олий таълим муассасасининг пешкадам ўқитувчилари сафидан ўрин олишида ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Ана шу йилларда Неймат ака



Суратда: Неймат УСМОНОВ (ўнгда) шогирдлари даврасида

илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғуллана бошлади. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) аспирантурасида (1974-1978) тахсил олди ва ниҳоят 1981 йили шу университетда "Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзи муаммолари" мавзуси бўйича тайёрлаган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди. 1983 йилда унга доцент илмий унвони берилди.

Неймат ака 1994-1996 йилларда "Тарих ва политология" кафедраси мудирини лавозимига ишлаб, мустақилликдан сўнг туб ўзгаришларни бошдан кечираётган ижтимоий фанларнинг янгича ўқитилишига ўз ҳиссасини қўшди.

1996 йил доцент Неймат ака Усмонов фаолиятида бурилиш йили бўлди, десак муболага бўлмайди. Гап шундаки, у танлов асосида илк бор институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректори лавозимига сайланди. Бу — унинг иқтидори, меҳнати, билим ва тажрибаси, олимлик фаолиятига берилган муносиб баҳо эди. Мазкур масъул лавозимда у салкам ўн йил ишлаб, ўзини ажойиб раҳбар, маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиси, уста нотик сифатида кўрсата олди.

Неймат Усмонович 2005 йил сентябрь ойида янги ўқув йилини Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ТАТУ Фарғона филиалида — маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига бошлади. Олий таълимда янги соҳа бўлган мазкур олий ўқув юртининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқа вилоятлардан келган талабаларга шарт-шароит яратиш, янги жамоани

шакллантириш, ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишларни тўғри йўлга солиш лозим эди. Ана шунда филиал директори профессор Р.Тешабоев ҳамда Н.Усмоновларга кўп йиллик билим ва тажрибалари қўл келди. Қисқа муддатда деканат, бўлимлар ва кафедралар ташкил этилди, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш амалиёти шакллана бошлади. Мустақиллик куни, Наврўз, Конституция куни, ўқитувчилар куни сингари байрамларни жиддий тайёргарлик билан нишонлаш одат

тусига кирди. БевоСИТА Н.Усмонов раҳбарлигида талабаларнинг "Кувноқлар ва зуққолар" жамоаси дастлабки ўқув йилидаёқ вилоят олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллаб, республика мусобақаларида иштирок этиш учун йўлланма олди.

Агар Неймат Усмоновичнинг кўзга кўриниб турадиган энг характерли белгилари нималардан иборат деб сўралса, шундай жавоб бериш мумкин: нотиклик, ҳозиржавоблик, самимиётлик, маърифатлилик.

Табиатан қувноқ инсон Неймат ака иштирок этган давранинг бирдан яшнаб, файз кириб, шодон қаҳқаларга кўмилганига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. У машхур сўз устаси М.Дарвешов билан яқин дўст бўлгани, у билан бўлган ўзаро мулоқотлардан ажойиб хотиралар қолганини тез-тез эслаб туради.

Неймат ака сўнгги йилларда республика матбуотида бир қатор қизиқарли мақола ва тадқиқотларини эълон қилди. Россиянинг Тюмен давлат университети олимлари билан алоқа ўрнатиб, рус тилида чоп этилган «Жаҳон халқлари динлари» дарслигининг яратилишига ҳисса қўшди (жумладан, бу китобнинг "Ислому: шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши" боби). Шунингдек, "Социология," "Психология," "Педагогика" дарслиklarини ўзбек тилига таржима қилди. Айни чоғда талабаларга "Политология," "Социология," "Маънавият асослари ва диншунослик" фанларидан маърузалар ўқиб, ахборот технологиялари бўйича етуқ кадрлар тайёрлашдек масъулиятли ишга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Неймат Усмоновнинг режалари улкан. У 60 ёшни илм-фан, ижод ва ҳаётий тажрибаларда айна балоғат ёши деб ҳисоблайди. Демак, яратилажак жуда кўп илмий-ижодий ишларнинг ҳаммаси ҳали олдинда. Сўзимиз ниҳонсида муҳтарам устозимизга "Кутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин!" деймиз.

Набижон СОЛИЕВ,  
ТАТУ Фарғона филиали  
докторанти

## УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Алишер НАВОЙИ

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб англагайсан ўзимни.

БОБУР

# Aloqa Print

Бундан икки йил олдин "Алоқа ремакса" қўшма корхонаси ўрнида "Алоқа Принт" МЧЖ ташкил қилинган эди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Давлат алоқа инспекцияси, АТ "Алоқабанк"и, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда соҳанинг бошқа бир қатор корхона ташкилотлари янги корхонанинг таъсисчилари бўлишди.



## ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

дейишмоқда "Алоқа Принт" МЧЖ мутахассислари

Маълумки, кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўпга тақдимот маросимлари, халқаро кўргазма ва анжуманлар тез-тез ўтказилмоқда. Соҳа корхона ва ташкилотларининг ана шундай тадбирларни ўтказишга ҳамда хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўладиган турли хил плакатлар, таклифнома, хатжилд ва ойнахатлар, таквим сингари кўпга босма маҳсулотларига йилдан-йилга эҳтиёжи ошиб бораётир. Мана шу талабни қондириш вазифи "Алоқа Принт" МЧЖ зиммасига юкланган. Дастлаб корхона раҳбарияти бу борада устувор иш режаларини белгилаб олди. Маалакали мутахассислар ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Қарийб бир гектар майдонни эгаллайдиган корхона босмахонасига акциядорлик тижорат "Алоқабанк"и кредити ва таъсисчилар ажратган маблағ ҳисобига Германия, Белгия, Туркияда ишлаб чиқарилган 16та замонавий чоп этиш ускунаси келтириб, ўрнатилди.

"Алоқа Принт" МЧЖ мижозларга тақдим қилаётган босма маҳсулотлар юқори сифатда чоп этилгани, ўзига хос дизайни, фойдаланишга қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Корхонага катта ҳажмда буюртма берадиган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Ўзбектелеком" АК сингари компаниялар сафига ҳозирда Республика Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси қўшилди.

Бир-бирдан чиroyли, арзон, юқори сифатли босма маҳсулотларга ҳамisha талаб катта. Бу ишлар билан шуғулланадиган корхоналар ўртасида соф рақобат мавжуд. Ана шу рақобат муҳитида биринчи бўлиш босма маҳсулотлар бозорига доимий изланишлар, тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. "Алоқа Принт" МЧЖнинг мониторинг, маркетинг, дизайн бўлимлари мутахассислари бу борада тинмай изланишмоқда. Изланишлар натижаси эса чиқарилаётган маҳсулотларда ўз ифодасини топаётир.


Яқинда корхона раҳбари Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига бўлиб, босмахоналар учун хом ашё, қозғ ва турли бўёқлар ишлаб чиқарадиган ҳамда етказиб берадиган

компаниялар фаолиятини ўрганиб қайтди.

— Сафаримиз давомида бир қатор компания, фирма вакиллари билан мулоқотлар олиб бордик, — дейди "Алоқа Принт" МЧЖ бош директори Ойбек Норметов. — Натижада биз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган хитойлик тадбиркорлардан жуда кўп таклифлар тушди. Энди уларнинг орасидан хом ашёлари босма дастгоҳларимизга мос тушадиган компанияни танлашимиз зарур. Ҳозирда бу таклифларнинг энг маъқулини танлаш борасида ишлаяпмиз.

Дарҳақиқат, ҳамкор танлаш учун ушбу масалада етти ўлчаб, бир кесган маъқул. Чунки нотўғри танланган хом ашё қимматбаҳо турадиган чоп этиш ускуналарини ишдан чиқариши, бунинг оқибатида корхона катта молиявий зарар кўриши мумкин.

Арзон ва сифатли хом ашёга бошқа турдош корхоналарда ҳам талаб катта. Шуни ҳисобга олган "Алоқа Принт" МЧЖ раҳбарияти нафақат ўз эҳтиёжлари учун, балки бошқа талабгорларга ҳам бу маҳсулотларни етказиб бериб, мазкур фаолият орқали корхона даромадига даромад қўшиш ниятида. Умуман олганда, "Алоқа Принт"чилар фаолият кўрсатиш қамровини янада кенгайтиришга ҳаракат қилишяпти. Жумладан, улар келгусида маҳсулотларни ўз дўконлари орқали сотишни режалаштиришмоқда. Бунинг учун эса аҳоли гавжум бўлган худудларда бир



нечта дўкон очиб мўлжалланган. Тўғри-да, маҳсулоти корхонага тегишли савдо тармоқларида сотилса ҳам арзон, ҳам «биринчи қўл» орқали харидорга етказиб берилди. Маҳсулотни тарқатиш учун кетадиган маблағ корхонанинг ўзида қолади.

Айни пайтда компанияда ўттиз нафардан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг охиригача эса иш ўринларини элликтага етказиш кўзда тутилмоқда. Ал-

батта, ишга қабул қилинаётганларга олий маълумотли, босмахона ишлари, савдо-сотик илмидан хабардор бўлиш каби талаблар қўйилади. Хоҳловчилар корхона бўлимлари мутахассислари суҳбатидан ўтишлари лозим. Ўз навбатида, ишга ўтган ходимларни турли рағбатлантириш чоралари кўрилган. Ходим қанча кўп, самарали ишласа, шунча кўп моддий рағбатлантирилади.

Юқориди айтганимиздек, бежирим, ўзига хос босма маҳсулотларни ишлаб чиқаришда Матёкуб

Раззоқов, Руслан Гисматуллин, Исроил Тургунов, Регина Хаметова, Анна Чванова каби фаол мутахассисларнинг хизматлари катта. Шу кунларда "Онажонимга", "Бувижонимга", "Дўстимга", "Севгилимга" деб номланган янги ойнахатлар туркуми устидаги лойиҳа ишлари якунланиб, уларни чоп этиш бошлаб юборилган.

Жамоа ўртасида аҳиллик ва жипсликни кучайтириш мақсадида корхона касабани уюшмаси кўмитаси томонидан турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш аънаънага айланиб бормоқда. Ўз навбатида, корхона ҳам ҳомийлик тадбирларида фаол қатнашишга ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, Сиз ўз хоҳиш ва талабларингиз асосида турли ойнахатлар, таклифнома, ташрифнома, таквимлар, хатжилдлар тайёрлатишни истасангиз, марҳамат, "Алоқа Принт" МЧЖнинг маалакали мутахассисларига 136-13-34, 136-39-49 телефонлари орқали мурожаат қилинг! Еки корхона жойлашган манзил — Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси 1 мулоқиш, 2-уйга келиб, тайёр маҳсулотларни кўздан кечириб, хоҳлаганча буюртма беришингиз мумкин. Мўлжал — Олой бозори ёнида жойлашган "Матбуот тарқатувчи" АК биноси, 2-кават.

"Алоқа Принт" МЧЖ жамоаси ҳамкорлар истагини қадрлашди. Улар арзон, ҳаммабоп нархда, энг асосийси сифатли босма маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилиб олган. Бу эзгу ният амалга ошиши йўлида "Алоқа Принт"чиларга омад тилаймиз.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ



## ● HAYOT SABOQLARI

**Мастура холамининг** уйларига ҳар гал борганимда сервантнинг устидаги гулдонга ёпилган каттагина рўмолчага кўзим тушади. Бир марта қизиқиш, уни олиб кўрдим. У рўмолчадан ҳам кўпроқ кичик санъат асарига ўхшарди. Четларига кунгурдор қилиб тўқилган шакллардан чиройли шокилалар осилиб турарди. Бир бурчагига тумшугида гул шохчасини туган булбул, иккинчи чўчага эса атиргул ипак билан тикилган. Бир четига оч яшил ипакда "Сизни дерман умрим борича" сўзлари ёзилган эди. Рўмолчани қизиқиш билан томоша қилаётганимни кўрган почма қудилар ва:

— Бу холамининг менга илк совғаси, уни 45 йилдан бери сақлашимнинг сабаби шунда. — дедилар.

Бу гапларни айтар экан, ёши бир жойга бориб қолган почманинг кўзларида нимда-дир йилт этгандай бўлди. Бу узоқ йиллик

муҳаббатли ҳаётдан миннатдорлик туйғуси эди, назаримда.

Дарҳақиқат, ҳаё ва ибто аталмиш покиза туйғулар асираси бўлган қизларнинг ўз муҳаббатини пинҳон тутиб, туйғуларини, меҳрини рўмолчада акс эттиришлари — унча узоқ бўлмаган ўтмиш. Бу ўтмишда нақадар сирли кўринишган улар йигитлар учун, нақадар қадрли бўлишган.

Мақтабни битириб, университетга кирган йилларим мен тенги қизлар автобус, троллейбус ёки трамвайга чиқсалар, агар ёши катта одам бўлмаса, йигитлар дарҳол туриб жой бўшатишларининг гувоҳи бўлардим. Ёнида қиз бола — хилқат турганини кўриб ўтира олмас эди, улар. Бу йигитлардаги гурур, қизларга бўлган ҳурматнинг бир

кўриниши эди аслида. Бу — жудаям яқин ўтмиш.

Ҳозир-чи? Айрим йигитларимиз (Аллоҳга шукр, тарбияли, иззатини биладиган йигитлар нихоятда кўп) нафақат қизлар, балки ёши улғурак аёлларга ҳам жой бўшатишмайди. Уларнинг хотиржам ўтиришларига, атрофидаги аёлларга эътибор ҳам

бермасдан турли ноқоиз сўзларни гапиришларига, сўқинишларига қараб

ўйланиб қоламан, йигитларимиз нафақат Ватан посбони, балки Аллоҳ заиф қилиб яратган опа-сингиллари, оналари, улар тенги барча аёллар шаънини, обрўсини ҳимоя қилувчилар эмасми?! Нега улар буни тушунайдилар? Шундай дейману атрофимдаги торлигидан йиртилай деб

турган шим кийган, кўкси очик, боз устига, киндиги ҳам очик айрим қизларни кўриб, йигитларнинг лоқайдлиги сабабини тушунагандай бўламан. Зеро, ҳурмат-эҳтиромга эришмоқ учун аввало унга муносиб бўла билмоқ керак. Биз нозик идроки-ю, латофати, шарму ҳаёси, зукколиги, билимдонлиги билан Фарбни лол қолдирган Шарқ аёлларининг авлоди эканлигимизни, Абу Али ибн Сино, Беруний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларни дунёга келтирган оналарнинг меросқури эканлигимизни унутмайлик. Олма пишса, олма дарахтининг тағига тушади, дейишади. Шундай экан, момомерос ифбатни, покизаликни, шарму ҳаёни ўзимизга либос қилсак қанчалар гўзал иш бўлади!

Муборак  
МИРКАМОЛОВА

## ● TANLOV

# “Хабар”нинг энг зукко муҳлиси

### ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

(4-босқич)

1. «Хабар» газетаси саҳифалари орқали ўзининг қўллаб фотолавлари билан ўқувчиларимиз орасида танилган собиқ фотомуҳбиримиз?

- а) Фарҳод Муҳаммадиев;  
в) Сергей Наследов;  
с) Тўлқин Лутфуллаев.

2. Обуна — 2006 танлови яқунларига кўра қайси алоқа корхонаси таҳририятнинг рангли телевизиори билан тақдирланган?

- а) Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи;  
в) “Қорақалпоқ Телеком” филиали;  
с) “Фарғона Телеком” филиали.


3. Муҳбиримиз Собит Аҳадовнинг туркум мақолалари қайси рўнқ остида чоп этилади?

- а) DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA;  
в) TAHRIRIYAT MEMMONI;  
с) JAHON ROCHTASI.

### ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Исми-шарифи, яшаш жойи	Шартлари	Танлов босқичлари бўйича тўпаланган баллар							
		1	2	3	4	5	6	7	жами
Дилором Гапфарова ва Зилола Ҳасинова, Нарпай тумани	Викторина	6	6	3					15
	Кроссворд	76	43	84					203
Жамшид Исломов, Тошкент шаҳри	Викторина	6	3	3					12
	Кроссворд	70	32	86					178
Раҳимжон Болтабоев, Ҳўжайли тумани	Викторина	6	6	3					15
	Кроссворд	56	38	66					160
Ноҳира Пулатова, Қарши шаҳри	Викторина	6	3						9
	Кроссворд	67	36						103
Дониёр Худойбердиев, Тошкент шаҳри	Викторина	3	6						9
	Кроссворд	65	32						97
Қидирбой Кребаев, Эшлиққалъа тумани	Викторина	0	3						3
	Кроссворд	64	34						98
Музаффар Абдуллаев, Наманган шаҳри	Викторина	6	3						9
	Кроссворд	58	33						91
Икром Холмуродов, Нукус шаҳри	Викторина	6	3	6					15
	Кроссворд	-	-	-					-

## “Нонбу” кроссворди



### ЭНИГА:

5. Тошкент вилоятидаги дарё. 8. Японларнинг миллий кийими. 9. Айлананинг бирор нуқтасини марказ билан туташтирувчи кесма. 12. Жанубий Америка туяқуши. 13. “Ўзи емас, итга бермас”. 14. 1827—1897 йилларда яшаган ўрта осийлик мутафаккир — ... Дониш. 17. Талаффузи бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар — ...лар дейилади. 18. Хайр-эхсон. 19. А.С.Пушкин асари қаҳрамони. 21. Қоқилдор тўтиқуш. 23. Темир моддасига бой мева. 24. “Гулламасдан” мева тугадиган дарахт-бута. 27. Ўрта Осийда подшоҳ (хон) авлодларидан бўлмаган ҳокимлар ўзларини ... деб атаганлар. 30. “...лаш — билимнинг онаси”. 31. Япон автоси. 32. Фарбий Европадаги бу пойтахт-шаҳарни хорижликлар ўхшаш бўлганлиги учун Шимолий Венеция деб ҳам аташади.

### БҮЙИГА:

1. Фиръавлар макбараси. 2. Холливуд юлдузи — ... Хопкинс. 3. Қизилқум чўлларидagi энг чопқир жонивор. 4. Даромаднинг ишлаб чиқариш харажатлари чегириб ташлангандан сўн қолган қисми. 6. Шохлар қамоқхонаси. 7. Сассикопишак. 10. Ўрмон меваси. 11. Оксуг ва Танхоз дарёлари оқувчи вилоят. 15. Аёллар исми. 16. Автомобилсозлар шаҳри. 20. Яримдоира кўринишидаги том (қадимги иншоотларда). 22. Осмон жисми, “учар юлдуз”. 25. Халқ шоири Эргаш Жуманбулбул яшаган туман. 26. Одамнинг юз-қиёфасига нисбатан ишлатиладиган сифат. 28. Москвадаги энг машҳур мейморий мажмуа. 29. Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон тумани маркази.

## Табриқлаймиз!

«Самарқанд Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюشمаси кўмитаси жамоалари филиалнинг Нарпай телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Холмат ҚУРБОНОВНИ муборак 60 ёши билан қутлайди. Унга сихат-саломатлик, ишларида муваффақият, оилавий тинчлик-тотувлик тилайди.

«ЎИ-Самарқанд» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюشمаси кўмитаси жамоалари филиалнинг техник директори Шомирзо ТҮЙЛИЕВНИ 40 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, ишларига ривож тилаб қолади.

«Фарғона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюشمаси кўмитаси жамоалари ходимлар Муротжон ИСОҚОВ ва Владимир СТАСЕНКОЛАРИ 60 ёши, Абдубанноб МАҲКАМОВНИ 50 ёши билан чин қалбдан муборакбод этади. Уларга сихат-саломатлик, бахт, узоқ ва баракали умр тилайди.

«Тошкент Телеком» филиали ва касаба уюشمаси кўмитаси Зафар телекоммуникациялар боғламасининг қишлоқ телефон тармоғи муҳандиси Алижон Алиқулони 60 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этади. Унга соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик тилайди.

## SPORT

### ОЛИМПИАЧЛАРИМИЗ МУСОБАҚАНИ ЙИРИК ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

2008 йили Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларининг саралаш босқичида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари тожикistonлик тенгқурларини қабул қилишди.

Учрашувни иккала жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан бошлашди. Аста-секин Вадим Абрамов шогирдлари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Кетма-кет уюштирилаётган ҳужумлар учрашувнинг 41-дақиқасига келиб, ўз самарасини берди. Майдон марказига яқинроқ жойда ўйин қондаси бузилди. Садриддин Абдуллаев узоқ масофадан меҳмонлар жарима майдончаси томон кучли зарба берди. Бироз олдинроққа чиқиб кетган тожикistonликлар дарвозабони устидан ўтган тўп тўғри дарвоза тўрига бориб тушди. Ҳисоб — 1:0.

Иккинчи бўлимни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси фаол ҳаракатлар билан бошлади ва натижада чап қанотдан бошланган ҳужум Анзур Исмоиловнинг голи билан якун топди.

Тожикistonликлар тўпни майдон марказидан бошладилар ва вакилларимиз улардан тўпни олиб қўйиб, қарши ҳужумга ўтишди. Жарима майдонидан Анзур Исмоилов фаол ҳаракатлари билан тожикistonлик олимпиячиларни хатоликка йўл қўйишга мажбур қилди ва Соҳиб Сувонкулов ўз дарвозасига тўпни киритиб қўйди. Учрашувнинг 56-дақиқасида Тожикис-

тон вакили Иброҳим Раббимов бош билан терма жамоамиз дарвозасини ишғол қилишга эришди, ҳисоб — 3:1.

69-дақиқага келиб эса меҳмонлар футболчиларимизни ўз жарима майдончалари атрофида қўполлик билан тўхтатиб қолишди. Белгиланган жарима тўпини Одил Аҳмедов чиройли тарзда амалга ошириб, вакилларимиз голларини 4тага етказди. Ушбу ҳисоб учрашув охиригача сақланиб қолди ва олимпиячиларимиз нуфузли мусобақани йирик ғалаба билан бошлашди. Жавоб ўйини 14 феврал кунни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтади.



## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусад КҶЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҶМОНОВ  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҶЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҶЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orij@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Тижорий материал — ❶  
Реклама матнларининг тўғрлигига тахририят жавобгар эмас.  
Рақам ва даявларининг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.  
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

150-Г сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 11790 нуска.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Саҳифаловчи: Асиядин БҶРИЕВ.  
Матн теруви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилди вақти — 20.00.

### ТЕРМА ЖАМОА ЭСА ДУРАНГГА ИМЗО ЧЕКДИ

Қарши шаҳрининг «Насиф» стадионида Ўзбекистон — Озарбайжон терма жамоалари ўртасида ўртоқчилик ўйини бўлиб ўтди.



Ўйин давомида устунлик вакилларимиз тарафида бўлган бўлса-да, улар юзага келган вазиятлардан унумли фойдалана олишмади. Айниқса, узоқ танаффусдан сўнг терма жамоа сафига қайтган Жабфар Ирисметовда тўп киритиш учун бир нечта қулай вазиятлар бўлди.

Иккинчи бўлимда ҳам кураш асосан майдон марказида юз берди. Шу сабаб ўйинда ҳисоб очилмади. Ўзбекистон — Озарбайжон — 0:0.

### ЧАГАЕВ-ВАЛУЕВ: УЧРАШУВ ВАҚТИ — 14 АПРЕЛ

Руслан Чагаевнинг WBA камари учун ўтказадиган жанги санаси маълум қилинди.

Амалдаги чемпион Николай Валуевга қарши рингга кўтариладиган боксчимиз ўзининг нималарга қодирлигини 14 апрел кунни яна бир бор намойиш қилиши лозим. Ҳозирча ушбу қизиқарли ва муҳим жангнинг қайси мамлакатда ўтказилиши аниқ эмас. Бироқ, бокс кечасининг Германияда ташкиллаштирилиши эҳтимолга яқинроқ.

### ЧАНЧУН-2007: БИТТА БРОНЗА

Хитойнинг Чанчун шаҳрида ўтказилган VI Қишки Осиё ўйинларига якун ясалди.



Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси битта бронза медалини кўлга киритди.  
Фигурали учаш баҳсида жуфтликда ҳаракат қилган Марина Аганина ва Артём Князевлар мусобақалар якунида 126, 20 балл тўплаб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Юқори ўринлар хитойлик спортчиларга насиб этди.

#### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ТошТТС» филиали Телеграф алоқалар цехи етакчи муҳандиси, «Моҳир алоқачи» фахрий унвони соҳиби **Николай Васильевич БЕРЕЖНОЙ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Руководство и коллектив филиала "Тошкент телеграф-телефон станции" АК "Ўзбектелеком" глубоко скорбит в связи с кончиной старейшего работника связи, удостоенного звания «Мастер связи» **БЕРЕЖНОЙ** Николая Васильевича и выражают искренние соболезнования семье и близким покойного.

"Xabar" газетаси жамоаси тахририят ходими Захро Рауповага турмуш ўртоғи **Абдурашул РАУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази жамоаси бош илмий ходим Исхандар Бергановга рафиқаси **МУҚАДДАМ** янинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Дўст хотираси



Бевақт ўлим ажойиб дўст, моҳир раҳбар, аҳил оила бошлиғи Эгамберди Синдаровни 53 ёшида орамиздан олиб кетди.

Э.Синдаров ўз меҳнат фаолиятини 1971 йили Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани алоқа боғламасида хабарчиликдан бошлади.

У 1973-1978 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олди ва 1978 йилдан 1996 йилгача Иштихон тумани электралоқа боғламасида муҳандис, бош муҳандис вазифаларида фаолият юритди.

Сергайрат, ўз ишини вақтида, бекаму-кўст бажаришни доимий оdatта айлантирган Э.Синдаров 1996 йили "Самарқанд Телеком" филиалининг Иштихон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи лавозимига тайинланиб, бу вазифада 2002 йилгача фаолият кўрсатди.

Эгамберди Синдаров раҳбарлигида Иштихон телекоммуникациялар боғламаси вилоятдаги илғор боғламага айланди. Боғламанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу ерда бир қатор етуқ мутахассислар шаклланиб, улар ҳозирда вилоятнинг турли алоқа корхоналарида фаолият олиб боришмоқда. Боғламада ободончилик ишларига алоҳида аҳамият берилиб, унинг ҳовлисида ажойиб бог ташкил этилди. Корхона биносида жойлашган матрифат ва маданият хонаси, монтерлар хонаси, спорт зали бугунги кунда алоқа ходимларига хизмат кўрсатмоқда.

Дўстимизнинг орзу ниятлари кўп эди. Турмуш ўртоғи билан олти нафар ўғилни тарбиялаб, улардан икkitасини уй-жойли қилган эди.

Эгамберди Синдаровнинг порлоқ хотираси бизнинг хотирамизда абадий сақланиб қолади.

"Самарқанд Телеком" филиали жамоаси



# Икки сийло — буюк муҳаббат!

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга учрашиш, суҳбат қуриш насиб этмади. Аммо...



**Ж**аҳон маданияти тарихида бири иккинчисини ҳар жиҳатдан тўлдириб, бойитиб, миллий маънавият ривожига самарали таъсир кўрсата олган замондош истеъдодлар фаолияти ҳақида кўпгина қимматли тадқиқотлар мавжуд. Ўзбек мумтоз адабиётининг икки вакили — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур муносабатлари ҳам ана шундай ажойиб тарихий ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Келинг, баъзи маълумотларни ўзаро чоғиштириб кўрайлик: Навоий 60 йил умр кўрди (1441-1501), шундан қарий ярмини Султон Хусайн Бойқаро салтанатини мустаҳкамлаш, ўзаро низоларнинг олдини олиш, ободончилик ишларига сарфлади. Бобур эса атғи 47 йил яшадиган (1483-1530) ва шу қисқа умри ҳам асосан жанг-жадаллар ичида ўтди.

Хар икки адиб давлат ишларидан «орттириб, тежаб» қолинган қимматли вақтларида ижод билан шуғулланишга имкон топа олдилар. Вақтнинг етишмаслиги, зиддият ва муаммоларнинг кўплиги ҳар икки ижодкорни ҳам гоёта фаол ишлашга ургатган бўлса ажаб эмас. «Хамса» каби йирик асарнинг ниҳояти 2 йилда қозоғга туширилгани, «Бобурнома» кўп йиллар давомида тўплана бориб 1525-1530 йилларда китоб қилингани, ҳатто аруз назариясига оид мураккаб «Мухтасар» асари 2 йилдан ҳам қисқа бир муддатда дунё юзини кўргани таҳсинга сазовордир.

Бобур умр бўйи буюк Навоий даҳосига эҳтиром таъзимда яшадиган. Уткир ақлдор, зеҳн, кучли хотира, фавқуллода «таъби назм»лик Бобурни ўз даврининг ажойиб истеъдод эгаси этиб воғга етказиши билан бирга, Навоийга нисбатан буюк муҳаббат ҳам пайдо қилгани шубҳасиздир. Образли қилиб айтсак, Бобур кўз очиб кўрган дунёда яқин-атрофда Навоий каби пулвикро, сарбаланд чўкчи йўқ эди. Навоий шу-шу Бобур учун бадиият ва илм уммонининг буюк дарғаси бўлиб яшаб қолди.

Бу эътирофни «Бобурнома»да бир неча ўринларда учратамиз.

Айниқса, Навоий ижоди ва шахсига берилган «Алишербек назми йўқ киши эди. Туркий тил биладу шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас» дея билдирилган ажойиб таъриф мақтовини хўш қўрмайдиган Бобур тилида меҳр билан жаранглайди.

Агар Бобур ижоди, айниқса, унинг газал, рубоийлари ва «Бобурнома»си синчков мутлола қилинса, у ҳар бир сатри, мисраси билан улғустодига сарҳисоб бераётгандек таассурот қолдиради. Чамаси, Бобур нима ҳақида ёзмасин, талабчан Навоийнинг ғойибона нигоҳи ва нафасини ҳис этиб турган.

Газал, рубоий жанрларида яратилган гўзал мисралар ҳам маълум маънода, Бобурнинг Навоий билан ғойибона ижодий мусохабалари меваси, десак янглишмаймиз. Бобур бу билан ҳам кифояланмай, «Мезонул-

авзон»га жавобан «Мухтасар» асарини битади, аруз назарияси ботида ҳатто устози билан ижодий баҳсга ҳам киришади.

Тарихдан маълумки, бу икки муътабар зотга учрашиш, суҳбат қуриш бахти насиб этмаган. Бироқ Навоий умрининг сўнгги йилларида (яъни 1498-1501 йилларида) истеъдодли Бобур ҳақида яхшигина хабар топган кўринади. Ҳар ҳолда, Бобурнинг 1494 йилда 11 ёшида тахтга ўтиргани, 1498 йилда Самарқандда муқаддас пойтахтни илк бор қўлга киритгани Навоийнинг синчков назаридан четда қолмаган, албатта. Эҳтимол, инсонпарвар шоир Чўлпон юлдузи каби ёрқин нур сочаётган Бобур толеида Темирийлар салтанатининг янги йўлбошчиси пайдо бўлганига умид қилгандир, сўз ва илм оламида яна бир соҳибқирон майдонга келганини тахмин қилгандир. Нима бўлганда ҳам, Навоий ўзи ташаббус кўрсатиб, Андижонга мактуб йўллади. Бобурнинг жавоб мактуби битиб, унга туркий

шеърларидан бирини қўшиб юборгани ҳам манбалардан маълум.

Афсуски, хат алоқаси амалга ошмайди. «Бобурнома»да ўқиймиз: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат ийбориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб ийбориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва гаъво бўлди».

Шу тарика, мактублар алоқаси боғланмайди. Навоий истиқомат қилаётган Ҳиротга боришга эса тарихий ўзгаришлар сабаб бўлиб, шарт-шароит тўғри келмайдиган. Самарқанд тахти учун олиб бориладиган оғир ва машаққатли курашлар ичида Бобур Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротга 1506 йилдагина боришга муяссар бўлади. Маълумки, бу йилларга келиб, улғу шоир ҳам, темирийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Хусайн Бойқаро ҳам оламдан ўтган эди.

Бобур Навоийдек беназир инсонни дунёга келтирган Ҳирот ва унинг муҳташам обидалари билан яқиндан танишади, шоир қабрини зиёрат қилади. Улғу инсон яшаган уйда бир неча кун истиқомат қилади...

**БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ — АЛИШЕР НАВОЙНИНГ 566 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ 524 ЙИЛЛИГИГА**

## Саховат тожи

Меҳр-муруват — улғу шоир Алишер Навоий назарида одамийлик мазмуни-маъносини белгиловчи муқаддас мезонлардан бири, инсонлик моҳиятини нурлантириб турувчи тушунчадир. Шу маънода, унинг ўлмас дostonларидаги барча йирик образлар — шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, «эгнига хайру қарам қийимини ёпинган», «бошига эҳсон ва саховат тожини қийган» зотлардир.

Чиндан ҳам, биз «Хайрат-ул-аброр»даги «Хотам Тойи хикояси», «Икки вафодор ёр», «Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида», «Марҳаматли Айюб ва ўғри-лавҳаларида эзгу амалларни ўз ҳаёти мазмуни деб билган зотларни кўрагимиз. Шу хикоятларнинг мантқиқий давоми бўлган «Фарход ва Ширин»даги Фарход, Ширин, Меҳинбон, «Лайли ва Мажнун»даги Лайли, Қайс, «Сабъаи сайёр»даги Меҳр ва Суҳайл, Дилором, «Садди Искандарий»даги Искандар ва Дорю саргузаштларида гўзал фазилатлар — яхшилик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик баҳсига гувоҳ бўлаемиз.

Шоир меҳр-муруват, хайру эҳсон, саховат ҳақида яна ҳам кенгрок маълумот беришга эҳтиёж сезиб, «Хайрат-ул-аброр»нинг бешинчи мақолатини «Хайру-эҳсон васфида...» деб номлайди, эҳсон ва саховат кўрсатишнинг маъносини, ўрни даражаси, меъёри ҳақида фикр юритади, «Маҳбуб ул-қулуб» асарига тавозе, қаноат, сабр-тоқат, меҳр-оқибат

каби тушунчалар мазмунини очишга бағишланган ибратомуз танбеҳлар кирилади.

Улардан аён бўлишича, қарам ва сахийлик — инсонга тангри томонидан иноят қилинган бўлиб, уларнинг зидди — бахилликдир. «Бахиллик инсонда бор сифатларнинг энг пасти, лекин саховат жавҳари эса энг нафиси», — деб таъкидлайди шоир. «Лекин, — давом этади мутафаккир, — сахийлик қандай мақтовга лойиқ, шарафли хусусият бўлмасин, уни орттириб юборсанг, бу — исрофга айланади».

Ана шундай мулоҳазалари давомида шоир баъзан саховат ниқоби остида намоён бўладиган таъмагирлик кўринишларини қаттиқ танқид қилади: «Шундай кишилар ҳам борки, ҳеч исрофга йўл қўймасалар ҳам, бундай одамларни сахий деб бўлмайди, бировга эҳсон беришда улар меъёрга эътибор қилмайдилар-у, лекин эҳсон берилётган одамнинг эҳсонга қанчалик муҳтож эканлигига қарамайдилар. Тўқ одамнинг олдига



дастурхон ёзадилар, эгни бут одамга эса тўн кийгизадилар. Юзта йилкиси бор одамга от тортиқ қиладилар, юз йиллик бойлиги бор одамга кумуш берадилар. Оч, муҳтож юзларча одамлар нон сўраб туради, лекин уларга бир бурда ҳам нон бермайди, тўкни қидиради».

Шоир бу каби сохта «саховат эғлари»ни қакраб ётган боғ устидан ёғмай ўтиб, ёғмирни тоққа тўккан булутга ўхшатади.

Меҳр-муҳаббат, саховат, ҳиммат ва муруват Навоийнинг лирик шеърларида ҳам алоҳида ранг ва тароват билан мадҳ этилади. Шоир фикрича, ҳиммат — буюклик нишонаси, кимки ҳиммат ва муруватдан бегона бўлса, у эл-юрт назаридан қолади:

**Бийлик келди ҳимматдин нишона, Ки ҳимматсизни паст этди замона.**

Инсоннинг инсонга яхшилик, муруват қилиши, меҳр-шафқат кўрсатиши аслида одамзот наслига хос эзгу амал-

лардан бўлиб, имон бутунлиги, эътиқод устуворлигини белгилайди. Бироқ, таассуфлар бўлсинки, баъзан ана шу маънавий неъмат унутилади. Баъзан қуриб-билиб туриб ҳам руҳий мададга зор кимсага бепарво қараймиз. Ҳолбуки, улғу шоир тасавурида, кўнгли чўкиб, ўз дарди билан озурдахол бўлган киши дардига дарддош бўлиш ҳар қандай улғувор жасурлик намуналаридан кам эмас:

**Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлағай,**

**Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлағай.**

Имон-эътиқод маскани бўлган кўнглини бу қадар асраб-авайлаш, маънавий-руҳий мададкорликни улғулаш ботида ҳам, қуриб турганимиздек, Навоийга бўйлаша оладиган бошқа сўз ва тимсоллар санъаткори топилиб қолмади.

Шоир яна бир шеърда: **Ўз вужудинга тафаккур айлағил, Ҳар не истарсен — ўзундан истағил,** — деб ёзади. Зеро, меҳр-муруват, ҳиммат, саховат каби муқаррам тушунчалар ўзалигини аңлатган инсонлардагина асосий хислатлар бўлиб яшаб қолади. Ҳазрат Навоийнинг ўзлари ҳам олтимши йиллик зиддиятларга тўла умри давомида доимо халқ дарди ғами билан яшагани, дўстлари, шоғирдлари, хеш-ақрабolarидан меҳр-муҳаббатини аймагани, асарларида инсонпарварлик ғояларини бетакрор ва баланд пардаларда қўйлагани учун ҳам «Меҳр-муруватнинг бетакрор тимсоли» аталишга ҳақли бўлган ягона сиймомодир.

**Саҳифани Набижон СОЛИЕВ тайёрлади**